



## КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ



**Боймирзаев Зокиржон Машраббаевич**

Наманган муҳандислик-технология  
институти “Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада мамлакатдаги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарган маҳсулотларининг хорижга экспорт қилиш имкониятлари ва механизмлари тадқиқ қилиниб, бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнесда экспорт ва импорт, экспортни суғурталаш механизмлари, инвестиция салоҳияти, экспортга имтиёзлар, таклиф талабномаси, инвестиция.

**Аннотация:** В статье рассматриваются возможности и механизмы экспорта продукции, производимой малым бизнесом и предпринимателями в стране, предложения и рекомендации по использованию принятых нормативных документов и передовой опыт зарубежных стран в этом отношении.

**Ключевые слова:** Экспорт и импорт в малом бизнесе, механизмы страхования экспорта, инвестиционный потенциал, экспортное стимулирование, запрос предложений, инвестиции.

**Annotation:** The article examines the possibilities and mechanisms of exporting products produced by small businesses and entrepreneurs in the country, offers and recommendations on using the adopted regulatory documents and the advanced experience of foreign countries in this regard.

**Keywords:** Export and import in small business, export insurance mechanisms, investment potential, export incentives, request for proposal, investment.

### Кириш:

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясининг 29-мақсадида Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш, шунингдек Ўзбекистон-2030 стратегиясининг 55-мақсадида Миллий иқтисодийнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш ва унинг таркибида қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини кескин ошириш орқали экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингга етказиш” вазифаси белгиланган. Мазкур вазифаларни самарали ижросини таъминлаш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилиш асосида иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, давлат томонидан экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини фаол қўллаб-қувватлаш замирида республиканинг экспорт салоҳиятини оширишнинг илмий услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Жумладан: Ишлаб чиқарувчи корхоналарга қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида "Ўзстандарт" агентлигида маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш Бюроси ташкил этилди.

Шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат) ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилди. "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш бўйича имтиёзлар берилди:

Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада кенгайтириш, инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ҳамда олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш бўйича «йўл хариталари»га киритилган тадбирларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, илм-фан ва инновация ютуқларни кенг жорий этган ҳолда ҳудудларда «саноат кластерлари»ни ташкил этиш тартиблари белгиланди.

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш, экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш белгиланди.

Шунингдек жорий йилнинг 30 сентябр куни «2022 йилда Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони имзоланди.

Бу қарорда 10 кун муддатда «Ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчига» тамойили асосида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларида доимий фаолият юритувчи ҳудудий экспорт штаблари ташкил этилиши, шунингдек, экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси

томонидан экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун 100 млн. доллар ажратилиши белгиланди.

2021 йил 1 февралдан экспортчи ташкилотларга экспорттолди молиялаштириш ажратилиши маълум қилинди. Бундан ташқари, 2021 йил 1 апрелдан маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларнинг 50 фоизи экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши кўзда тутилган. [7]:

Ишлаб чиқарувчиларга яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар экспорт қилувчи корхоналар сони ортишига ҳамда экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини яратиш баробарида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. “Made in Uzbekistan” ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда.

#### **Тадқиқот методологияси:**

Тадқиқот ва ўрганишлар шуни кўрсатадики кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳа ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, улар учун янада қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Изчил амалга ошириб келинаётган бундай ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини намояндалаштирмоқда. Қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, шу билан бир қаторда экспортбоп маҳсулот турларини кўпайтириш ва ҳудудлар географиясини кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Маълумки 2021 йилнинг 10 апрелдан Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг махсус имтиёзлар тизими (GSP+) кучга кирди ва бу Ўзбекистондан 6200дан ортиқ товарларни Европа Иттифоқи давлатларига божсиз олиб кириш имконини беради. Бир қараганда экспортчиларнинг «пичоғи мой устида» бўладигандек, лекин ҳаммаси бир қарагандагидек осон эмас. Бунинг учун тинмай ишлаш, изланиш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Ҳудудлар кесимида корхоналар ва кичик бизнес субъектлари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларга жаҳон бозорида талаб кўпайиб бормоқда. Буни экспорт кўрсаткичларининг йилдан-йилга ўсиш суръатидан ҳам билса бўлади. 2020 йил мобайнида мамлакатимизда яқин 15,1 млрд долларлик экспорт амалиётлари амалга оширилган бўлса, 2021 йилда 16,6 млрд доллардан ортиқ экспорт амалиётлари амалга оширилди.

#### **Таҳлил ва натижалар.**

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг Европага экспорти ҳақида гап кетганда, Ғарбий Европа давлатларига Ўзбекистондан экспортни

кузатиб борувчи, Ўзбекистондаги замонавий ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда халқаро саноат ҳамкорлигини ташкиллаштирувчи Европадаги илк компания асосчиси Дмитрий Родин қуйидаги фикрларни билдирган, хусусий ишлаб чиқарувчи учун асосий «зарурият»лардан уchtасини ажратиб кўрсатиш фикрларни келтириб ўтган.

Биринчидан, Европа - бу жуда катта бозор. ЕИ бозорига тўлақонли чиқиш - ишлаб чиқаришни каррасига кўпайтириш демак. Агар сифатли маҳсулот ишлаб чиқарар экансиз, бу бозордан улш ажратишга интилмаслик ғалати бўлар ҳам эди. Миқёсларга эътибор қилинг: Европа Иттифоқи давлатлари ҳар йили 180 млрд евролик кийим-кечак импорт қилади, уй текстили импорти ҳажми эса 150 млрд доллар. Таққослаш учун, расмий статистикага кўра, Россия кийим-кечак ва пойабзал импорти учун 10 млрд доллар сарфлайди.

Иккинчидан, рақобатбардош ўзбек ишлаб чиқарувчилари қоида тариқасида импорт ускуналардан фойдаланишади. Лизинг тўловлари доллар ёки еврода ифодаланган. Агар ишлаб чиқарувчи ўзининг тайёр маҳсулотларини бошқа валютада сотса, ўз гарданига валюта билан боғлиқ жиддий хатарларни ҳам олади. Ниҳоят, бу бизнеснинг жуда тўғри қурилган моделидир: харажатлар сўмда, тушум еврода бўлса.

Давлат учун Европага экспортни кўпайтириш — бу экспорт-импорт сальдоси сифат даражаси яхшиланиши, миллий ва маҳаллий бюджетларга солиқ тўловларининг ошишини билдиради. Бу ҳолатда янги иш ўринлари яратилишини ҳам эътибордан қочирмаслик кераклигини таъкидлайди.

Шу билан бир қаторда мутахассис қуйидаги жиҳатларга ҳам эътибор қаратишни таъкидлаган:

- Енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳар бир иш ўрни турдош соҳаларда яна 2-3тадан кўшимча иш ўринлари яратишини, бу ҳар қандай ҳудуд ва бутун мамлакат учун ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий натижа ҳисобланишини, мамлакат келажаги учун турдошлик жиҳати — инсон капиталининг ўсишини шу билан бирга барча даражалар учун европалик ҳамкасблар билан ишлаш тажрибасига эга мутахассислар пайдо бўлиши яқин йилларда иқтисодий ўсиш учун асос бўлишини таъкидлайди. [8]:

Бу ўз навбатида, ўзбек ишлаб чиқарувчиларининг Европа бозорларидаги ҳар бир муваффақияти билан мамлакатнинг ва алоҳида йирик экспортга йўналтирилган лойиҳаларнинг инвестицион жозибадорлиги оширади.

- GSP - бу «General System of Preferences» (Имтиёзлар бош тизими) иборасининг қисқартмаси. Мазмунан, бу Ўзбекистондаги қарийб ҳамма маҳсулотлар Европа Иттифоқи давлатларига божсиз экспорт қилинишини англатади. Ўзбекистон бу имтиёзларга эга бўлган давлатлар қаторига киргани алоҳида эътироф этиш лозим.

Европа бозорида кучли рақобат ҳукм суради. Дунё бўйлаб энг яхши ишлаб чиқарувчилар, харидорлар билан тўғридан тўғри музокаралар олиб боришади, товарлар учун нарх ҳисоби унинг ҳар донасига центнинг ўндан бир қисмигача боради. Вазиятдан келиб чиқиб тасаввур қилинганда, ишлаб чиқарувчи, центнинг ўндан бир қисмигача талашиб, иқтисод қилишга тиришиб

турган бир пайтда, кутилмаганда у улкан бонусга эга бўлади: муҳокама қилинаётган товар Европага божсиз олиб кирилишига рухсат берилди. Бу бонуснинг катталиги центнинг ўндан бир қисми эмас, маҳсулот нархининг бир неча фоизидан ҳам катта суммаларда ўлчанади. Бир деганда Ўзбекистоннинг барча маҳсулотлари рақобатбардош бўлиб қолгандай кўринади, буни айтишга осон.

Лекин

GSP+ режимига киришиш ортиқча хурсандчиликка сабаб бўлмасдан, балки тинимсиз саъий-ҳаракат қилиш орқали, мустаҳкам тизим қуришни тақоззо этади.

GSP+ имтиёзларига аввалроқ эга бўлган давлатлар тажрибаси кўриб чиқилганда.

Покистон энг муваффақиятли экспортчига айлангани: йилига 5,9 млрд евро.

Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарувчилар давлат ёрдамида макроиқтисодий даражада ҳам жуда сезилаларли «иқтисодий мўъжиза» яратганлиги. Энг аввало ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш ва маҳсулотларга сертификатлар олиш борасида ўз маркетинг ҳаракатларини синхронлаштирилганлиги алоҳида таъкидлаш лозим.

Европада Покистон маҳсулотларининг кўплаб кўргазма заллари борлиги, у ерда ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини тақдим этиб, харидорлар билан битта тилда гаплашишлари — сифат назорати борасида ҳам, сертификатлаш масалаларида ҳам, ўз ишлаб чиқаришини қайта жиҳозлаб, ўзгараётган талабни қондириш масаласида ҳам, бир сўз билан айтганда, харидорга жуда яқин бўлиш орқали максимал даражада миждозга мослашганликлар муҳим аҳамият касб этган.

Мижозга мослашиш деганлари эса доим математик томондан ҳисобласа бўладиган нарса. Мижоз керакли ахборотни ишлаб чиқарувчи сайтдан нечта кликда топа олади? Request for Proposal (Таклиф талабномаси) жўнатганидан сўнг у тижорий таклифни узоғи неча соат кутади? Талабнома жўнатиладиганидан сўнг неча кун ўтгач у товарнинг лаборатория таҳлилларини олади? Неча кундан сўнг маҳсулот намунаси унинг қўлида бўлади?

Бу тизим ҳаммаси жуда оддий қурилган — соғлом фикр ва инсон учун тушунарли идрок асосида. Мана, сизга харидор Request for Proposal жўнатди. «Биз бунақасини ишлаб чиқармаймиз, каталогимизда борини танланг», дея жавоб берувчи ишлаб чиқарувчи уларга асло қизиқ эмас. Чунки худди шу Request for Proposal'ни Покистон, Ҳиндистон, Испания, Вьетнам, Польша, Бангладеш ва Италиядаги ишлаб чиқарувчилар ҳам олишган — харидор эса айнан ўзи истаган нарсани беришга тайёр бўлган ишлаб чиқарувчи билан мулоқотни давом эттиради.

Мана шу музокаралар — моҳиятан ишлаб чиқарувчиларнинг сирдан рақобат кураши ҳисобланади. Бунда маҳсулот ўрамасини зудлик билан ўзгартиришга, нархни мослаштириш, харидор ёки сотувчининг технологлари

билан маслаҳатлашувдан сўнг қимматроқ ёки арзонроқ хом-ашёга ўтишга тайёр бўлиш керак.

Демак, ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари қўйилган кўргазма заллари жойлашган кварталларда нафақат ошхоналар, балки паспортларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, таржималарни нотариал тасдиқлаш ва шу каби турли бизнес-сервислар бўлиши лозим.

Мамлакатимизни экспортёр ишлаб чиқарувчилари бизнесни жуда фаол тарзда олиб боришлари ва Европада салоҳиятли ваколатхоналар очишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Аввало маҳсулотнинг Европа бозорига муваффақиятли чиқиши учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур: сертификация, бозор талабларини тушуниш, ўз рақобат устунликларини мукамал даражада аниқ билиш, Европада жисмонан ҳозир бўлиш ва ниҳоят, ўзининг рақобат устунликларига биноан сотув тизимини қуриш.

Ҳар бир экспорт лойиҳасига тизимли равишда ёндашиш керак. Масалан, кўп ҳолларда сертификация учун шунчаки тўлов қилиш етарли эмас: сертификатнинг ўзи сотувларни таъминлай олмайди, у шунчаки ишдаги воситалардан бири, маҳсулотни рекламаси бўлмаса унинг шартномалар имзоланишида нафи бўлмайди.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда иқтисодиётни тубдан ислох этиш, бозор муносабатлари асосларини шакллантириш ва кенгайтириш, таркибий ўзгартиришлар орқали замонавий тармоқ ва соҳаларни яратиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини хал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт имкониятларини ошириш имконини беради. Бу борада Ўзбекистон, хориж тажрибасига амал қилиб, Покистон ва бошқа ривожланган мамлакатлар йўлидан бориши.

Европа бозорларига чиқишни мустақкам тизимини жорий этиш зарур деб ҳисоблаймиз. экспортчиларни қўллаб-қувватлаш мафқураси барибир бозорга янги экспортчиларни олиб киришга мўлжалланган бўлиши керак.

Экспортчиларга давлат қўмаги — жаҳон амалиётида оммалашган чора. Бу йўлдан борар экан, Ўзбекистон бозор принципларидан оғишмайди. Боз устига, кўмак фақат бошланғич босқичларда берилади, кейинчалик давлат изчиллик билан ёрдамни камайтира боради. Мутахассислар билан биргаликда «экспорт лойиҳалари фабрикаси»ни яратиш Халқаро инвесторларда Ўзбекистон ҳақида яхши таассурот уйғотишига хизмат қилишини таъминлаш лозим.

Агар юқоридаги талаблар изчиллик билан бажарилса, натижалар жуда тез орада бўй кўрсатади ва Покистоннинг «иқтисодий мўъжиза»сини нафақат такрорлаш, ундан ўзиб кетиш ҳам мумкин бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 30.09.2022 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-228-сонли фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1731-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 18 август ПФ 6042-сонли “Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4069-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги “Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4337-сон қарори.
7. «2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги президент қарори.
8. Zokirjon, B., & Tursunalievich, A. Z. (2020). Theoretical issues of development of export production of small and medium business enterprises. *American Journal of Economics and Business Management*, 3(5), 50-58.
9. Mashrabboyevich, B. Z. (2023). Development of the Export Capacity of Small Business Enterprises in Uzbekistan. *Web of Synergy: International Interdisciplinary Research Journal*, 2(3), 225-228.
10. <https://kun.uz/69347400>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

